



МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Абдурахманова Назира Аъзамовна

банк-молия академияси, Тингловчиси

Аннотация: Мақолада масофавий банк хизматларини жорий этишга таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар келтирилган. Мақолада масофавий банк хизматларини жорий этишда мавжуд муаммолар ёритилган ва уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари келтирилган.

Таянч сўзлар: масофавий банк хизматлари, интернет сайт, риск, банк технологиялари, интернет тезлиги, молиявий хизматлар.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ислохотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода, “маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси”, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт” деб белгилаб берган эди.

Мамлакат бўйича аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни қисқартиришга унинг турли ҳудудларидаги мазкур ҳолатни яхшилаш орқали эришилади. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизлик ҳолатини олиш бўйича энг самарали натижага эришиш мумкин бўлган бўгин – бу маҳаллалар ҳисобланади.

«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясида “2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш; камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш; ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассис тайёрлаш”⁵⁰ каби бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 29-мақсади “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш”⁵¹ деб номланиб, шу мақсадга эришишда асосий вазифалар белгилаб берилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ» ПФ-158-сон Фармони

⁵¹ https://fergana.uz/uploads/01/-60_28.01.2022.pdf



Аҳоли бандлиги ва ишсизлик тушунчалари ўзаро бир-бирига тескари мазмундаги тушунчалар ҳисобланади. Яъни, аҳоли бандлигини таъминлаш учун ишсизликни қисқартириш, ва аксинча, ишсизликни бартараф этиш учун аҳоли бандлигини таъминлаш керак бўлади.

Ишсизлик салбий ҳолат бўлиб, унинг меъёридан ортиб кетиши қуйидаги иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқаради:

- иқтисодиётда барча ишлашни хоҳлаган ва ишлай оладиганлар учун етарли миқдорда иш жойлари яратилмаслиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш потенциал имконияти муайян қисмининг йўқотилиши;
- мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетиши, ундаги иқтисодий барқарорлик билан боғлиқ турли муаммоларнинг келиб чиқиши;
- ишсизликнинг узоқ муддатли давом этиши оқибатида ишчиларнинг ўз малакаларини йўқотишлари;
- ишсизларнинг даромад ва ижтимоий мавқеи жиҳатидан аҳолининг нисбатан паст тоифасига тушиб қолиши;
- аҳолининг ишсиз қисмида ўз турмуш тарзидан қониқмаслик, ижтимоий фаолликнинг йўқолиши, атрофдагиларга нисбатан лоқайдликнинг пайдо бўлиши каби ҳолатларнинг келиб чиқиши;
- мамлакатдаги жиноятчиликнинг ўсиши ва ижтимоий кескинлик даражасининг кучайиши ва ҳоказо.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудуддаги ишсизликнинг олдини олиш ва аҳоли бандлигини таъминлашни самарали ташкил этиш учун **маҳалла ҳудудидаги бандлик ва ишсизлик ҳолатини баҳолаш** талаб этилади.

Маҳалла ҳудудидаги аҳолининг бандлик таркибини, яъни уларнинг қайси соҳа ва йўналишлар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганини билиш орқали, маҳалланинг ихтисослашувини аниқлаш имкони юзага келади, бу эса маҳалла ҳудудида ривожлантирилиши мумкин бўлган **драйвер соҳаларни белгилашга** имкон туғдиради.

Тадқиқот методологияси Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, Маҳалла ҳудудидаги аҳолининг бандлик таркибини амалиёти таҳлилининг ташкилий-иқтисодий механизмларини таҳлил этишда тизимли ёндашувнинг қўлланилиши ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Мазкур стратегиянинг 29-мақсади “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга



қисқартириш” деб номланиб, шу мақсадга эришишда қуйидаги вазифалар белгилаб берилган.

Биринчидан

- Камбағалликни қисқартириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Иккинчидан

- Норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш.

Учинчидан

- Аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 барабар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Тўртинчидан

- Давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда маҳаллий даражада («маҳаллабай» тамойили асосида) ижтимоий ишларни олиб бориш механизмини йўлга қўйиш.

Бешинчидан

- Худудлар, шаҳарлар ва туманлар кесимида камбағал тоифадаги оилалар, аёллар ва ёшларни ягона электрон ҳисобга олиш тизимини яратиш, камбағалликнинг қайта тикланиш хавфини бартараф этиш. Хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш.

Олтинчидан

- Ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча эҳтиёжманд аҳолининг камида 85 фоизини ижтимоий ёрдам дастурлари билан камраб олиш. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва аҳоли қатламларига, шунингдек, вақтинчалик оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга тўғридан-тўғри давлат ижтимоий ёрдамини кўрсатиш.


2.1-расм. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиянинг 85-мақсадига эришиш вазифалари⁵²

Аҳоли даромадлари ўртасидаги тенгсизликнинг вужудга келишига иқтисодий тизим ҳам таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти иқтисодий тизимлар ичида энг самаралиси, мукаммали сифатида тан олинса ҳам, бироқ унинг бир қатор зиддиятли ва камчилик томонлари бор. Бозор иқтисодиётининг энг катта зиддиятли томонларидан бири аҳолининг табақаланиши, яъни жамият аъзолари даромадларидаги тенгсизликнинг кучайиб бориши ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти қанчалик юқори даражада тараққий этмасин даромадлар тенгсизлигини бартараф қила олмайди, фақат уни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш орқали маълум даражада юмшатиш мумкин.


Демак, бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тақсимланиши ўртасидаги тенгсизликнинг вужудга келиши объектив ҳолат ҳисобланади. Даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар ҳам мавжуд бўлади. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғофуровлар томонидан чоп этилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар сифатида қуйидагилар ажратилиб кўрсатилади:

⁵² 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 85-мақсади асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2.2-расм. Даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар⁵³

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад олиш чекланмаган. Демак, кишиларнинг жисмоний, ақлий ва эстетик лаёқати юқори бўлса, таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик, тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражалари юқори бўлса, унинг даромади шунчалик даражада юқори бўлади. Математик тил билан айтганда уларнинг даромади плюс чексизликка ($+\infty$) қараб интилади. Аксинча, кишиларнинг жисмоний, ақлий ва эстетик лаёқати паст бўлса, таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик, тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражалари паст бўлса, уларнинг даромади шунчалик даражада паст бўлади. Математик тил билан айтганда уларнинг даромади минус чексизликка ($-\infty$) қараб интилади. Қўпол қилиб айтганда кимнинг ҳисобига кимдир бой ёки қашшоқ (камбағал) бўлади.



⁵³ Расм муаллиф томонидан Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғофуровлар томонидан чоп этилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслиги асосида ишлаб чиқилган.



2.3-расм. Аҳоли пул даромадлари табақаланиши (Джини индекси) даражаси⁵⁴.

Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тақсимланишини тавсифлаш учун аҳоли даромадлари тенгсизлиги Джини индекси кўрсаткичи қўлланилади. Унинг аниқланиш соҳаси 0 билан 1 оралиғини ($0 < \text{Джини индекси} < 1$) ташкил этади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, яъни 1,0 га интилса, тенгсизлик шунча кучли бўлади. Аксинча, 0 га интилса, жамият аъзолари даромадлари тенглашиб боради. Масалан, кейинги ярим аср давомида Джини индекси Буюк Британияда 0,39 дан 0,35 га қадар, АҚШда эса 0,38 дан 0,34 га қадар пасайган.

Хулоса ва таклифлар

1. **Банд аҳоли таркибига киритилувчи фуқаролар:** меҳнат шартномаси бўйича ҳақ эвазига ишлаётган фуқаро; касаначилик билан шуғулланаётган шахс; вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар; касаллиги, таътилда бўлиши, қайта тайёрлаш ва малака оширишда эканлиги муносабати билан вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар; ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган фуқаролар; ҳунармандлар, оилавий корхоналарнинг иштирокчилари, деҳқон хўжаликларининг, фермер хўжаликларининг аъзолари; ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатга олинган шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар; Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар.

2. **Ишсизлик мақоми қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади:** ишга жойлашганда; субсидиялар олганда; касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилганда; ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинганда; доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб ўтганда; маҳаллий меҳнат органига узрли сабабсиз келмаганда; иш қидираётган шахс мақбул келадиган ишга доир таклифларни мунтазам равишда (2 мартадан кўп) рад этганда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни. 26.04.1996 й.
3. Ўзбекистон Республикаси "Рақобат тўғрисидаги Қонуни". //Халқ сўзи, 2012-йил, 6 январь
4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сон "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни, 3-модда.

⁵⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz) маълумотлари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-366-сон Қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 20-октябрдаги ЎРҚ-642-сонли “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» Г.// 08.02.2017 й. №28 (6722).

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ» ПФ-158-сон Фармони

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ПФ-60-сон Фармони

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2021 йил 18 июнь, 380-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон. - [https:// www.lex.uz/](https://www.lex.uz/);

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон. - [https:// www.lex.uz/](https://www.lex.uz/);

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони. - [https:// www.lex.uz/](https://www.lex.uz/)